

Савдо-сотикда иштирок этиш учун таклифнома

Чоп этиш санаси: 10.02.2016 у.

Муддат: гача: 13.04.2016 у.

Кўришлар: 2906

Аризалар: 0

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

**«АМУ-БУХОРО ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИНИ ТИКЛАШ» ЛОЙИХАСИ
САВДО-СОТИҚДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА**

Сана: 10.02.2016

Займ сони: 3025/3026(SF)-UZB

Шартнома сони: ABISRP 03

Шартноманинг номланиши: Қуйи-мозор ва Қизил-тепа насос станцияларини модернизация қилиш ва қайта тиклаш

Таклиф киритишнинг сўнгги санаси: 13.04.2016 йил

1. Ўзбекистон Республикаси Осиё Тараққиёт Банкидан («ОТБ») «Аму-Бухоро ирригация тизимини тиклаш» лойиҳасини молиялаштириш учун займ олган. Ушбу займнинг бир қисми шартнома бўйича Қуйи-мозор ва Қизил-тепа насос станцияларини модернизация қилиш ва қайта тиклаш ишлари учун тўловларни амалга ошириш учун йўналтирилади. Халқаро танлов савдолари ОТБнинг харид қилиш бўйича йўриқномаларига мувофиқ ўтказилиб, танлов қатнашчилари ОТБга аъзо мамлакатлардан бўлишлари керак.

2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги («Буюртмачи») танловнинг ваколатли иштирокчиларини қурилиш ва қуйидаги ишларни («Ишлар») амалга ошириш учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим қилишни сўрайди:

Лот 1: Қуйи-мозор насос станциясининг модернизация қилиниши ва қайта тикланиши.

Лот 2: Қизил-тепа насос станциясининг модернизация қилиниши ва қайта тикланиши.

Шартнома 36 ой ичида бажарилиши керак бўлган қуйидаги асосий ишларни қамраб олади:

а. 1 лот учун (Қуйи-мозор насос станцияси):

Янги сув тўсувчи иншоотнинг қурилиши ва мавжуд иншоотнинг тикланиши; ахлатларни сақлаб турувчи тўсиқлар, шандораларнинг етказилиши, ўрнатилиши/алмаштирилиши, иккита ахлатларни тозаловчи машиналарнинг етказиб берилиши;

Барча мавжуд механик ва электр тизимларни олиб ташлаш;

Умумий қуввати 100 м³/с га тенг бўлган, тахминий баландлиги 18-23 метрни ташкил қилувчи олтига вертикал марказдан қочма насос агрегатларининг алмаштирилиши;

Барча кран ва кўтариб туширувчи қурилмаларнинг алмаштирилиши / қайта тикланиши;

Техник сув билан таъминлаш тизими, шу жумладан янги тиндиргичнинг қурилиши;

6 кВ электр таъминот тизимининг ўрнатилиши;
Ўрта ва паст кучланишдаги барча зарурий тизимлар;
Барча зарурий дренаж тизимлари ҳамда бошқа керакли кичик тизимлар.
b. 2 лот учун (Қизил-тепа насос станцияси)

Янги сув тўсувчи иншоотнинг қурилиши ва мавжуд иншоотнинг тикланиши; ахлатларни сақлаб турувчи тўсиқлар, шандоралар, электр юргизгичли затворларнинг етказилиши, ўрнатилиши/алмаштирилиши, мавжуд сув тўсиғи иншоотида ва сув қабул қилгичларда ахлат тозаловчи машиналарнинг етказилиши ва ўрнатилиши;

Барча мавжуд механик ва электр тизимларни олиб ташлаш;

Умумий қуввати 100 м³/с га тенг бўлган, тахминий босими 45 м ва 70 м бўлган ўнта (4+6) вертикал марказдан қочма насос агрегатларининг разрядли бўлинма клапани билан бирга алмаштирилиши ва бирикиш нуқталарининг олиб ташланиши;

Барча кран ва кўтариб туширувчи қурилмаларнинг алмаштирилиши / қайта тикланиши;

Техник сув билан таъминлаш тизими, шу жумладан янги тиндиргичнинг қурилиши;

10 кВ электр таъминот тизимининг ўрнатилиши;

Ўрта ва паст кучланишдаги барча зарурий тизимлар;

Барча зарурий дренаж тизимлари ҳамда бошқа керакли кичик тизимлар.

3. Халқаро танлов савдолари ОТБнинг Агрегатларни харид қилиш, лойиҳалаштириш, етказиб бериш ва ўрнатиш бўйича бир босқичли икки конвертли тендер жараёнларига мувофиқ ўтказилади. Танлов савдоси иштирокчилари қуйида кўрсатилган пост-малакавий меъзонларга жавоб беришлари керак.

4. Тендер ҳужжатларининг 3 ва 6 бўлимларда кўрсатилган малакага эга бўлган, тажрибали ва ваколатли танлов иштирокчилари ушбу тендер савдоларида иштирок этишлари мумкин.

5. Батафсил маълумотларни олиш ва тендер ҳужжатларини ўрганиш учун танлов иштирокчилари қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

«Аму-Бухоро ирригация тизимини тиклаш» лойиҳаси

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги Лойиҳани бошқариш бўйича гуруҳ (ЛБГ)

Жаноб Шавкат Ботиров

Манзил: Лабзак кўчаси, 1 а

Шаҳар: Тошкент

Индекс: 100128

Мамлакат: Ўзбекистон Республикаси

Телефон: +998-71-241-73-13, +998-71-241-89-06

Факс: +998-71-241-84-24

Электрон почта: abisr@mail.ru

6. Тендер ҳужжатларини инглиз тилида олиш учун, ваколатли иштирокчи қуйидагиларни амалга ошириши керак:

· ABISRP 03 «Қуйи-мозор ва Қизил-тепа насос станцияларини модернизация қилиш ва қайта тиклаш» шартномаси бўйича тендер ҳужжатларини бериш учун илтимоснома билан юқорида кўрсатилган манзилга мурожаат қилиш;

· 500 (беш юз) АҚШ доллари миқдорда ёки унга тенг миқдорда қайтариб берилмайдиган тўловни банк пул ўтказиш йўли билан қуйидаги ҳисоб рақамларига тўлаб бериш:

Банк	Агробанк АТБ
Банк манзили	Ўзбекистон, 100096 Тошкент, Муқимий кўчаси, 43 Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги
Тўловни қабул қилувчи:	Вазирлиги қошидаги Лойиҳани бошқариш бўйича гуруҳ
Ҳисоб рақамлари	
АҚШ долларда тўловларни амалга ошириш учун	20210840900302140005
сўмда тўловларни амалга ошириш учун	20210000200302140002
SWIFT	PAKHUZ22
Банк коди	00394
СТИР (фақатгина маҳаллий иштирокчилар учун)	302915401

7. Танлов таклифларини тақдим қилиш:

· Қуйидаги манзилга:

Ўзбекэнерго ОАЖ биноси

2 қават, 222 хона

Истиклол кўчаси, 6 уй

100000 Тошкент шаҳри

Танлов таклифлари 2016 йил 13 апрель куни соат 17:00 гача (Тошкент вақти билан) қабул қилинади;

тендер ҳужжатларида кўрсатилганидек, танлов таклифлари кафолати билан бирга.

Танлов таклифлари очиш бундай таклифлар тақдим қилиниш муддати тугаган куни тендер таклифларини очишда қатнашиш истагини билдирган қатнашчиларнинг вакиллари билан биргаликда амалга оширилади.

8. Танлов таклифларини баҳолашда, Тендер ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ маҳаллий иштирокчиларга ОТБ томонидан бирор бир имтиёзлар тақдим қилинмайди.

9. Иштирокчилар томонидан танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим қилиш билан боғлиқ харажатлар ёки сарфлар учун Буюртмачи жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

Ахборот хизмати